

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

7/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/7 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохид Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

Umurqulov Kamoliddin

O'ZBEK XALQINING OILAVIY MAROSIMLARINING TARBIYAVIY AHAMIYATI 9-12

Muhamedov Asror

G'ARB RENNESANSIGA TURTKI BO'LGAN OMILLAR 13-22

Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna

SOVET DAVRIDA KITOV TAQIQLARIGA NISBATAN O'ZIGA XOS SENZURA
AMALIYOTLARI 23-30

Сабитова Коринна Сабировна

ШКОЛЬНОЕ И СРЕДНЕ-СПЕЦИАЛЬНОЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В
УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ 31-37

Vaxabov Azizjon Xamidovich

USMONIYLAR SALTANATI VA O'RTA OSIYO XONLIKLARINING O'ZARO DIPLOMATIK HAMDA
ELCHILIK ALOQALARI 38-44

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Xolmuradov Musurmon Avlaqulovich

MAMLAKATIMIZ TIJORAT BANKLARI AKTIVLARI SAMARADORLIGINI TAKOMILLASHTIRISH
MASALALARI 45-51

Madiyev Shaxzod Shodmon o'g'li, Xurramova Zarina Xolboyevna

QISHLOQ XO'JALIGI ISHLAB CHIQRISHIDA TEXNIK SALOHİYATDAN FOYDALANISHNING
IQTISODIY MOHIYATI VA NAZARIY ASOSLARI 52-57

Самадов Салохиддин Исматович

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ..... 58-66

Хуррамов Азамат Файзуллаевич

ИНСОН КАПИТАЛИНИ ЖАРАЁН-НАТИЖА ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАҲЛИЛИ 67-74

09.00.00 – FALSAFA FANLARI

Sharipov Abdukhakimjon Ziyotdinovich

YANGI O'ZBEKISTON JAMIYATI TARAQQIYOTI IDEOSFERASIDAGI MA'NAVIY O'ZGARISHLAR
DINAMIKASI 75-80

Mustafaev Alimardon Alijonovich

THE MAIN VECTORS OF THE EVOLUTION OF COMPARATIVE PHILOSOPHY IN THE CONTEXT
OF CONTEMPORARY CIVILIZATIONAL DEVELOPMENT 81-89

Mamasaliev Mirzoulug' Mirsaidovich

"G'ARB MADANIYATIDA SABR-TOQAT KONSEPSIYASINING O'ZGARISHI" 90-95

Shadmanov Qurbon

FRENSIS BEKON INDUKTIV USULI VA TA'LIM, TARBIYA VA O'Z-O'ZINI TARBIYALASH
G'OYALARI 96-101

Usmonov Farkhod Lapasovich

PHILOSOPHICAL ANALYSIS FREEDOM OF INFORMATION 102-109

*Atakulov Mavlonbek Saitkulovich*YOSHLARNI SOG'LOM MA'NAVIY MUHIT ASOSIDA TARBIYALASHDA
FUQAROLIK MAS'ULIYATI O'RNI 110-115**10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI***Amanov Abdijabbor Sattarovich*

O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MURAKKAB SINTAKTIK TUZILMALAR TAHLILI 116-121

Xudoynazarova O'g'lonoy Allamurodovna

DINIY BARQAROR BIRIKMALARNING STILISTIK XUSUSIYATLARI 122-125

*Hayitova Shohida Erkin qizi*KONSEPT TUSHUNCHASINING TALQINI VA KONSEPTGA OID TADQIQOTLAR
TASNIFI 126-132*Qodirova Mukaddas Tog'ayevna*

TILSHUNOSLIKDA BIZNES DISKURS: TADQIQ, TASNIF VA TAHLIL 133-138

Aripova Aziza Xasanovna

NUTQ MADANIYATI VA NUTQ ODOBI MASALALARINING TARIXIY TAKOMILI 139-143

*Tillabayeva Zilola Raxmatillayevna*QARLUQ SHEVALARIDA TABU VA EVFEMIZMLAR QO'LLANILISHI YUZASIDAN
MULOHAZALAR (SAMARQAND VILOYATI MISOLIDA) 144-148*Axmedova Aziza Komilovna*

PSIXIATRIK BADIY TAHLIL ASOSLARI 149-153

Зокирова Шахзода Нодиржон қизи

ТЕЛЕВИЗИОН НУТҚНИНГ РИТОРИК АСПЕКТИ 154-158

Yusupaliyeva Fazilat Yusupaliyevna

METHODS IN TEACHING ENGLISH AND THEIR IMPORTANCE 159-163

Fayzullayeva Dilfuzaxon G'ulomjon qizi

ADIB QALBIDAN: QAHRAMON RUHIYATIDA YOZUVCHINING IZI..... 164-169

Negmatova Mumtozbeqim

UZBEK TERMINOLOGY FOR BANKING SECTOR 170-174

*Omondavlatova Latofat Ne'matulla qizi*O'TKIR HOSHIMOVNING "DAFTAR HOSHIYASIDAGI BITIKLAR" ASARIDA QO'LLANILGAN
LINGVOMADANIY BIRLIKLER TAHLILI 175-178**12.00.00 – YURIDIK FANLAR***Ismaylov Raxat Aminbayevich*NORMA IJODKORLIGI FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISHNING AYRIM NAZARIY-HUQUQIY
MASALALARI 179-183*Сеитниязов Камарбек Парахатович*ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ 184-191

Нуруллаев Шохрух Шухратуллаевич

ҚУРИЛИШДА АТРОФ-МУҲИТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ: ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА
НАЗОРАТИ 192-198

Hamdamov Shahzod Maqsud o'g'li

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI TARAQQIYOTINING

HUQUQIY ASOSLARI 199-210

Шокиров Ойбек Азизжон ўғли

ҚОНУНИЙЛИК НАЗАРИЙ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИДА ТАЪМИНЛАШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ

АСОСЛАРИ 211-218

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Bozorova Muslima Qodirovna, Istamova Dilnoza Norboyevna

RAQAMLI TA'LIM SHAROITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI KASBIY FAOLIYAT UCHUN KO'P
BOSQICHLI TAYYORLASH ASOSLARI 219-222

Rabbimova Nodira Tashtemirovna

FROM SCALPEL TO BLACKBOARD: HOW MEDICAL TRAINING IS REVOLUTIONIZING

PEDAGOGICAL APPROACHES 223-227

Саидова Камола Усканбаевна

КОМПАРАТИВНЫЙ АНАЛИЗ МЕТОДОВ ВОСПИТАНИЯ В ВОСТОЧНОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ
МЫСЛИ 228-233

Худойназарова Дилрабо Абдурашидовна

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ

ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ 234-239

Гаффаров Азизжон Муҳаммадсаидович

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ: МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ 240-245

Buronova Iroda

UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARI RAHBARLARIDA MEDIAKOMPITENTLIKNI

RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARI 246-250

Matyakubova Feruza Egamovna

ANATOMY OF LEARNING: BRIDGING THE GAP BETWEEN MEDICINE AND

MODERN EDUCATION 251-254

Received: 10 September 2024
Accepted: 15 September 2024
Published: 25 September 2024

Article / Original Paper

THE THEORETICAL CONCEPT OF LEGALITY AND THE NORMATIVE-LEGAL BASIS FOR ENSURING IT IN DECISIONS OF LOCAL GOVERNMENT BODIES

Shokirov Oybek Azizjon ogli,

PhD student of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

E-mail: oybekazizovich@mail.ru

Abstract. The article examines in detail the scientific and theoretical concept of the category of legality, examines the essence of the legal nature of decisions of local government bodies. In addition, some regulatory and practical problems of expert examination of decisions of local government bodies are discussed in detail, the main issues that need to be addressed during the expert examination, and the author's conclusions are presented.

Keywords: constitution, legality, law, state, power, norm, expert examination.

ҚОНУНИЙЛИК НАЗАРИЙ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИДА ТАЪМИНЛАШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Шокиров Ойбек Азизжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти

Аннотация. Мақолада қонунийлик категориясининг илмий-назарий тушунчаси атрофлича муҳокама қилиниб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг юридик табиати моҳияти ўрганилган. Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини экспертиза қилишда айрим норматив ва амалий тусдаги муаммолар ҳам батафсил муҳокама қилиниб, уларнинг экспертлик кўриб чиқилишида урғу бериш зарур бўлган асосий масалалар кўриб чиқилган, хулосалар берилган.

Калит сўзлар: конституция, қонунийлик, қонун, давлат, ҳокимият, норма, экспертиза.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI7Y2024N31>

Кириш. Қонунийлик ва унинг асосий хусусиятларини тушунишга нисбатан анъанавий ёндашувлар миллий ҳуқуқ назариясида бир неча ўн йилликлар давомида (асосан собиқ иттифоқ даврида) ривожланган. Миллий ҳуқуқий тизим ва умуман ҳуқуқ ривожланишининг замонавий даври, ҳуқуқий давлатчилик шароитида юридик фандан "қонунийлик" термини ҳамда унинг асосий жиҳатларини синчковлик билан ўрганишни талаб қилади. Бу ерда шуни ҳам айтиш лозимки, қонунийлик – бу ҳуқуқшуносликнинг марказий ва энг мураккаб тушунчаларидан биридир. Унинг кўплаб талқинлари мавжуд – бир-бирига ўхшашидан тортиб, ўзаро мутлақо зидгача. Қонунийлик мавзуси совет олимлари томонидан фаол ишланган, аммо Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, қонунийлик мавзуси мамлакатимиз юристлари томонидан деярли ўрганилмаган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунийлик давлат

фаолиятининг, яъни давлат ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари принципи бўлиши аниқ кўрсатиб ўтилган (Янги таҳрирдаги Конституциянинг 14-моддаси). Бироқ, замонавий адабиётда, ушбу тушунча совет ҳуқуқининг эскилик сарқити бўлган ҳолда, ҳуқуқий давлат доктринаси учун бегона деган асосли фикрлар илгари сурилмоқда [8].

Қонунийликни оддий ва айни пайтда содда шаклдаги тушуниши остида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари (давлат органлари, ташкилотлар, фуқаролар) томонидан амалдаги қонунлар (қонунчилик) нормаларига лозим даражада риоя қилиш ва бажаришдан иборат, яъни қатъийлик (мажбурийлик), четга чиқмаслик (тўғрилиқ), аниқлик – бу қонунийликка риоя этиш ва ижро этиш жараёнининг зарурий ва ўзига хос жиҳатлари.

Бундай хусусиятлар, шубҳасиз, ҳам ҳуқуқ (моддий ва процессуал) назариясида, ҳам давлат бошқаруви назариясида шаклланиб улгурган тасаввурлардан келиб чиқади. Масалан, маъмурий талабларни ижро этишнинг *"сўзсизлиги"* ва *"қатъийлиги"* оммавий тартибот ва қонунийликни таъминлаш асоси эканлиги фикрига доим ишониб келинган [6; 574-6].

Адабиётлар таҳлили ва методология. Юридик адабиётлар ва юридик энциклопедияларнинг кўпчилигида қонунийлик деганда барча давлат органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар, жамоат бирлашмалари томонидан Конституция ва қонунлар, шунингдек улар асосида қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилиш ва уларни ижро қилиш тушунилади [10; 408-6]. Дарҳақиқат, қонунийлик моҳияти амалдаги қонунларга барча ҳуқуқ субъектлари томонидан қатъий ва сўзсиз риоя қилиниши ва уларни ижро этилишида намоён бўлади, аммо шунга ҳам эътибор берилмоқдаки, ҳуқуқшунос олимлар томонидан қонунийликни бундай шарҳлаши, жамият ҳаётининг замонавий сиёсий-ҳуқуқий жараёнларни ўзида тўлақонли акс эттирмайди [13; 115-6].

Муҳокама. Жумладан, таниқли ўзбек ҳуқуқшунос олими, профессор З.М.Исломовнинг фикрича юқорида қонунийликка берилган таърифда асосий урғу ҳуқуқ нормаларининг ижросига қаратилган бўлиб, уларнинг мазмуни тўғрисидаги масала очиқ берилмаган [7; 238-242-6]. Шундан келиб чиқиб, у «қонунийлик» тушунчаси ёзилган ҳуқуқ мазмунини унинг амалий рўёбга чиқарилиши, ҳуқуқий тизимнинг ғоявий-сиёсий асослари, унинг энг муҳим ижтимоий-сиёсий институтлар, мазкур жамиятнинг сиёсий режими билан алоқаси нуқтаи назаридан очиқ беради деган фикрни илгари суради [13; 115-6]. Хусусан, З.М.Исломов қонунийликни қуйидагича таърифлайди: «қонунийлик қонун ижодкорлиги жараёнида давлат қонунларида ҳамда қонуности ҳуқуқ ижодкорлигида ҳуқуқнинг реал ифода этишнинг ғояси, талаби ва тизимини (режимини) англатади» [7; 238-242-6].

Таниқли россиялик ҳуқуқшунос олим В.Н. Кудрявцев томонидан қонунийликка қуйидаги таъриф берилган: «қонунийлик – бу нафақат ҳуқуқнинг юзаки тамойили, балки жамият тузумининг демократик моҳиятини акс эттирувчи муҳим категорияси ҳамдир» [9; 249-6]. Шу ўринда, бошқа россиялик ҳуқуқшунос олим В.А. Потапов эса: «қонунийлик – бу фуқаролар ва ҳуқуқнинг бошқа субъектлари томонидан қонунларга қатъий ва сўзсиз риоя қилиш, уларни ижро этиш, қўллаш, шунингдек, уларда назарда

тутилган ҳуқуқлардан (эркинликлардан) лозим даражада фойдаланишдир” [14]- деб таърифлайди.

Таниқли ўзбек ҳуқуқшунос олими ва амалиётчи Ф.Х.Отахонов фикрига кўра, “қонунийлик”, унга берилган юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, ўз ичига қуйидаги элементларни қамраб олади: а) ҳуқуқ субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилиш ҳамда ижро этиш; б) ҳуқуқ субъектлари томонидан қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлардан (эркинликлардан) лозим даражада фойдаланиш; в) уни ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига ҳам татбиқ қилиниши [13; 115-6]. Шунингдек, Ф.Х. Отахонов томонидан қонунийликка берилган қуйидаги таъриф диққатга сазовордир: “қонунийлик деганда барча ҳуқуқ субъектлари томонидан қонунлар ва унга зид бўлмаган бошқа қонун ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилиш ҳамда уларни ижро этиш; қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлардан (эркинликлардан) лозим даражада фойдаланиш; давлат органларининг қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида қонунда белгиланган тартиб ҳамда таомилларга риоя этиши, шунингдек, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслилиги ва уйғунлигини таъминлаши тушунилади” [13; 115-6].

Шу билан бирга, бошқа олимлар томонидан ҳам қонунийлик тушунчасига янгича таъриф беришда турли қарашлар ва фикр мулоҳазалар билдирилмоқдан [3; 480-489-6]. Шунингдек, юридик адабиётларда “қонунийликни таъминлаш” тушунчасига умумий таъриф берилмаганлиги, фақатгина давлат органларида қонунийликни таъминлаш ҳамда қонунийлик кафолатлари тушунчалари кенг ёритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим [13; 115-6].

Бизнинг назаримизча, қонунийлик бу ҳуқуқий муносабатларнинг шундай ҳуқуқий аҳволи бўладики, уларни амалга ошириш режими замонавий ҳуқуқий давлатда ҳуқуқий муносабат иштирокчилари томонидан ҳуқуқий нормаларга лозим даражада риоя этиш ва ижро этишнинг шакллланган стандартига, шунингдек умумий, соҳавий ва процессуал ҳуқуқий тартибга солиш мақсадлари ва вазифаларига мос келади. Бунда, кенг мазмундаги ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш, шубҳасиз, қонунийлик, унга қўйилган талаблар (мезонлар)ни, жамиятда қонунийликка ҳурмат муҳитини лозим даражада таъминлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган кафолатларни тўғри тушуниш, қонунийлик режимида риоя этиш ва мустаҳкамлашга интилишга боғлиқ. Буларнинг барчасини қонунийлик назариясига оид умумий ва профессионал тасаввурларга эга бўлмай туриб, замонавий талабларга мос тарзда яратиш, ривожлантириш ва янгилаш мумкин эмас.

Шунингдек, **қонунийликнинг** (алоҳида ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида) **элементлари** қуйидагилардан иборат:

– қонунийликнинг *норматив асоси*, у ҳуқуқий нормалар тизимида намоён бўлади – ҳуқуқий қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; уларни амал қилиш тартиби мазкур ҳужжатларга риоя этилиши ва ижросини таъминлайди. Демак, қонунийлик (қонунийлик режими) амалда тегишли тартиботлар, таомиллар, ҳуқуқий шартлар, мақомлар ва низомларни белгилайдиган қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга кириши билан бошланади;

– қонунийлик *предмети*, яъни жамият, давлат ва шахс фаолияти зарурияти, мажбурийлиги, фойдалилиги ва ижтимоий аҳамияти; қонунийлик предмети давлат

органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг оммавий фаолиятининг ҳуқуқий натижалари, мансабдор шахслар, давлат ёки маҳаллий хизматчиларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), ижтимоий муносабатлар субъектларининг қонуний доирадаги ҳуқ-атворида ифодаланади;

– қонунийлик *объекти* – қўплаб муносабатлар билан ўзаро боғлиқ бўлган фуқаролар, жамият ва давлат, уларга нисбатан қаратилган ҳуқуқлар, эркинликлар, мажбуриятлар, рухсатномалар, тақиқлар, чекловлар, мажбуриятлар, ҳуқуқни амалга ошириш имкониятлари, давлат назорати, маъмурий назорат, самарали юридик ҳимоя таъминлашнинг процессуал механизмлари;

– қонунийлик *субъектлари* – ўзларининг хатти-ҳаракатлари, қарорлари, ҳуқ-атвори, оммавий-ҳуқуқий фаолияти орқали қонунчиликни, умуман ҳуқуқий талабларга риоя этиш ва ижро этишнинг ҳуқуқий режимини яратадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ҳақиқий иштирокчилари. Қонунийлик субъектлари бўлиб ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари (давлат ва бошқа оммавий-ҳуқуқий тузилмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат ташкилотлар, мансабдор шахслар, давлат хизматчилари, фуқаролар) гавдаланади.

Қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг асосий йўлларида бири, биринчи навбатда улар томонидан чиқариладиган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишдир. Зеро, жамиятда қонун устуворлиги ва юзага келувчи ҳар қандай турдаги ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси ўз навбатида норма ижодкорлиги фаолиятининг асосий институтларидан бири ҳисобланади.

“Экспертиза” ва “ҳуқуқий экспертиза” тушунчаларининг луғавий ва ҳуқуқий тавсифига алоҳида тўхталадиган бўлсак, уни қуйидагича ифодалаш мумкин.

“Экспертиза” тушунчасининг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, мазкур тушунча тўғрисида ўзбек тилининг изоҳли луғатида белгиланишича “экспертиза – (фр. expertise, лот. expertus – тажрибали; синалган) қийин ёки чигал масалани ечиш ва ҳал қилиш учун мутахассислар иштирокида уюштирилган текширишдир [22; 27- б].

Бу ҳақда А.А. Разуваев: “Экспертиза — махсус билимларни қўллаб, маълумотли (эксперт) шахслар томонидан амалга ошириладиган ўрганиш бўлиб, белгиланган тартибда мазкур ўрганиш натижаси юзасидан тўғри ва асослантирилган қарорлар қабул қилиш ва ҳулоса бериш” деб таъкидлаган [15; 8- б].

Ҳуқуқшунос олим М.К.Нажимов ҳуқуқий экспертиза тушунчасига – юридик ва жисмоний шахсларнинг қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг лойиҳаси бўйича унинг Конституция ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, белгилаб қўйилган юридик техника қоидаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳулоса бериш борасидаги фаолият сифатида таъриф берган [12; 77- б].

Е.В. Скурконинг фикрича қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси қонун лойиҳасини Конституцияга мувофиқлиги ва амалдаги қонунчилик ва халқаро шартномалар тизимидаги ўрнини баҳолаш ҳамда қонунчилик техникаси қоидалари нуқтаи назаридан унинг сифати ва натижавийлигини белгилашдир [19; 46-б].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунининг 22-моддасига мувофиқ, ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос олим Х.Ҳайитов қонун лойиҳалари экспертизаси тушунчасига махсус билим ва малакага эга эксперт ёки экспертлар гуруҳининг қонун лойиҳалари юзасидан натижаси хулоса тарзида расмийлаштириладиган, уларда йўл қўйилган турли камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш, қонун лойиҳаларининг қонунчилик тизими, халқаро ҳуқуқ нормалари, қонунчилик техникаси, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга қанчалик мувофиқлигини баҳолаш асосида асосланганди тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган фаолият сифатида таъриф бериб ўтган [20; 14-б].

Ҳуқуқий экспертизани бир томондан қонунчилик натижавийлигини баҳолаш воситаларидан бири сифатида, бошқа томондан эса тадқиқотнинг алоҳида предмети ва белгиланган услбулар тўплами, уни ўтказиш ваколатига эга махсус субъектлар, эксперт хулосаси шаклидаги натижа, ҳуқуқий тартибга солиш механизмида белгиланган жой каби махсус хусусиятларига эга бўлган ҳуқуқий институт сифатида ҳисоблаш имкониятларини беради [23; 14-б].

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларини “Ҳуқуқий экспертиза — бу қонун ҳужжати лойиҳалари ишлаб чиқувчисининг ёки ушбу турдаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколатга эга органнинг юридик хизмати, шунингдек адлия органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатлари ва халқаро шартнома қоидаларига ҳамда норма ижодкорлиги техникаси қоидаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳар томонлама ўрганиш ҳамда натижаси бўйича белгиланган тартибда хулоса беришни қамраб олган фаолият” тарзида таҳрир этилиши таклиф этилади.

Миллий қонунчиликка мувофиқ, қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси субъектлар бўйича лойиҳани ишлаб чиқувчининг юридик хизмати ва адлия органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий экспертизага бўлинади.

Шундан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятидаги асосий йўналишларидан бири ҳисобланиб, норма ижодкорлиги соҳасида давлат ҳуқуқий сиёсатини таъминлаш ва норматив-ҳуқуқий лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда адлия органлари ўзимиз ва бошқа мамлакатларда ҳам асосий ўринда туради.

Натижалар. Қайд этилганлардан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси институтини янада такомиллаштириш мақсадида, қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, бугунги кунда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30

мартдаги 192-сон қарори билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Бироқ, Низомга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилиши белгиланганлиги, шунингдек Вазирлар Маҳкамасидан юқори бўлган инстанцияларнинг мавжудлигини инобатга олиб, бизнингча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини қонун даражасида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги 384-мқ-сонли буйруғи билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш Услубиёти (рўйхат рақами 2745, 25.12.2015 йил) мавжуд. Мазкур Услубиёт норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишнинг тартибини белгилайди. Экспертиза асосан адлия органлари томонидан ўтказилади, шу билан бирга ишлаб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи, шунингдек лойиҳалар келишилиши лозим бўлган органларнинг юридик хизмати томонидан ўтказилиши мумкин.

Ҳуқуқий экспертизанинг мазкур тури МДҲ мамлакатларининг айримларида (Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси) қонун даражасида тартибга солинган бўлса, қолганларида эса қонуности ҳужжатлари билан мустаҳкамланган.

Миллий қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларни юқорида қайд этилган давлатлар тажрибаси билан қиёслаган ҳолда ўтказилган таҳлиллар натижасида мазкур соҳага қуйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқ:

а) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасининг турларини белгилаш (масалан, давлат ва жамоатчилик томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертизаси);

б) “Жавобгарликнинг муқаррарлиги” принципига оғишмай амал қилган ҳолда, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижасида аниқланган коррупциявий омиллар бўйича ҳамда давлат ва жамиятга етказилган зарарнинг даражасидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат муаллифи (ишлаб чиқувчиси)нинг жавобгарлик масаласи (масалан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари);

в) Амалдаги қонун ҳужжатлари юзасидан коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хусусан қонунчиликда экспертизани ўтказишга ваколатли барча субъектлар (давлат идоралари, жамоатчилик)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонун ҳужжатларининг ҳар бир тури бўйича ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертиза тартиб-таомилларини белгилаш.

Учинчидан, жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг барча кўринишларига мурасасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, бу бордаги барча ваколатли давлат органларининг устувор вазифаларидан бири. Амалдаги қонунчилик таҳлили, адлия органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида аниқланган жиддий қонун бузилиши ва бошқа ҳуқуқбузарликлар юзасидан кўриладиган тегишли чоралар ҳақида аниқ механизмнинг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Фақатгина, коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича адлия органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритилиши мумкин.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, адлия органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида аниқланган жиддий қонун бузилиши ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан тузиладиган эксперт хулосаси нусхаси қонуний чора кўриш учун тегишлилиги бўйича ваколатли органларга тақдим этилиши мақсадга мувофиқ. Бунда, юридик-техник ва таҳрирлаш, терминлар бўйича ва стилистик ҳамда ишни судда кўриб чиқиш учун асосларга эга бўлмаган характердаги қоида бузилишлари ҳақидаги эксперт хулосалари тақдим этилмайди.

Хулоса. Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, ҳуқуқий экспертиза қонун ҳужжатларини қабул қилишдан олдинги ва лойиҳаларнинг охириги таҳлилий инстанцияси эканлигини инобатга олган ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини соҳалараро таҳлилин аналга оширилиши, ўз навбатида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини соҳалар нуқтаи назаридан асосли эканлигини ва сифатсиз ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини аниқлашга хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Барихин А.Б. Большой юридический энциклопедический словарь. – М.: Книжный мир, 2005. – С.185.
2. Большая юридическая энциклопедия.– М.: Изд-во Эксмо, 2005. –С.194-195;
3. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 480-489 б.;
4. Дробязко С. Г., Козлов В. С. Общая теория права. – Минск, 2005. – С. 432.;
5. Жетписбаев Б.А. Обеспечение законности и дисциплины в системе деятельности органов исполнительной власти в Республике Казахстан // Инновации и образование. Сборник материалов конференции, Серия “Sumposium”, выпуск 29. – СПб, Санкт-Петербургское философское общество, 2003. – С.503-510.
6. Елистратов А.И. Основные начала административного права // Российское полицейское (административное) право: Конец XIX – начало XX века: хрестоматия / сост. и вступ. ст. Ю.Н. Старилова. Воронеж: Издательство ВГУ, 1999. Б. 574.
7. Исламов З.М. Общество. Государство. Право. Книга вторая. Теория права.– Т.: “Адолат”, 1998. – С.238-242.
8. Кдлян Е. Л. Законность как фактор воздействия на правовое поведение личности (вопросы теории): автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009);
9. Кудрявцев В.Н. Право как элемент культуры. // Ж. Право и Власть. – М.: 1990.– С.249.

10. Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2001. – С.408;
11. Морозова Л.А. Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2003. – С.348;
12. Нажимов М.К. Норма и жодкорлиги. Дарслик. –Тошкент: ТДЮУ, 2018. – Б.77.
13. Отахонов Ф.Х. Юридик хизматининг назарий-хуқуқий муаммолари. Монография/ Масъул муҳаррир Тошқулов Ж.Ў.-Т.: 2019. Б.115.
14. Потапов В.А. Законность и правомерное поведение граждан в условиях реформирования России (региональный аспект): Автореф. дисс...канд. юрид. наук. – Новгород, 1995.
15. Разуваев А.А. Экспертиза как средство повышения эффективности процесса право реализации (вопросы теории и практики): автореф. дис... канд. РИД. наук. Саратов, 2006. – Б.8
16. Рыбаков В.А. Законность: к вопросу о понятии. Вестник Омского университета. Серия «Право». 2013. № 2 (35). Б. 6–11.;
17. Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. –Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 203-205 б.
18. Смирнова А.А. Обеспечение законности нормативно-правовых актов органов исполнительной власти субъектов Российской Федерации // Ж.Правоведение.– 2003.–№3. –С.66-74;
19. Скурко Е.В. Некоторые вопросы интеграции экспертного знания в законодательную деятельность // Представительная власть – XXI век: законодательство, комментарии, проблемы, 2002. № 2-3. – Б.46.
20. Хайитов Х.С. Қонун и жодкорлигида экспертиза ўтказишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (DSc) ...дис.автореферати. Т.: 2018. – Б.14
21. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Т.: Адолат, 2009.– 615 б.;
22. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. /Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.27.
23. Юридическая экспертиза нормативных правовых актов: учебное пособие / сост.: к.ю.н., доцент Д.Ш. Пирбудагова и др. 2-е изд., перераб. и доп. МАХАЧКАЛА: Изд-во ДГУ, 2017. – Б.14.
24. Egamberdiev A. Gerichtliche Verwaltungskontrolle in der Republik Usbekistan. Theorie und Rechtsgrundlagen [Ўзбекистон Республикаси маъмурий суднинг контроли. Назария ва ҳуқуқий асослар]. Verwaltungsarchiv, November 2019 Heft 4,(419-552), 110. Jahrgang. – S. 475-505.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/7 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).